
Биография

Ҳусан Ғозиев



Ҳусан Ғозиев 1906 йилда Шаҳрихонда, ҳозирги Андижон областининг Москва районида туғилди. У 1940 йилда Тошкент Давлат педагогика институти ўзбек тили ва адабиёти факультетини тугатди.

Олимнинг илмий-лингвистик фаолияти 1932 йилдан, педагогик фаолияти 1925 йилдан бошланган. У аспирантурани тугатгандан сўнг ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети қошидаги Терминкомда, кейинчалик СССР Фанлар академияси Ўзбекистон филиалининг Тил, адабиёт ва тарих институтида (ҳозирги ЎзССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида) ишлади.

Ҳ. Ғозиев 1942 йилгача асосан олий, ўрта ва бошланғич мактаблар учун ўзбек тилидан дарсликлар, қўлланмалар ва программалар ёзган.

Олимиинг 1941 йилда эълон қилинган «Ўзбек тилидаги эргашган қўшма гапларнинг состави ҳақида» номли каттагина мақоласи ўзбек тилшунослигида эргаш гап составини кенг изоҳлаган биринчи илмий асарлардан эди.

Ҳ. Ғозиевнинг ўша даврдаги илмий фаолияти СССР ва ЎзССР Фанлар акдемияларининг мухбир аъзоси, профессор А. К. Боровков томонидан ҳам юқори баҳоланган.

Ҳ. Ғозиев 1955 йилдан сўнг кўпроқ ўзбек тили тарихи бўйича тадқиқот ишлари олиб боради, унинг ўрхун ва уйғур ёзувлари ёдгорликларида айириш белгилари, араб алфавити негизидаги ўзбек ёзувларида (XI —XIX асрларда) пунктуация масалалари бўйича яратган асарлари шулар жумласидандир. Олим бу соҳадаги ишларини якунлаб, 1959 йилда «Ўзбек пунктуацияси тарихи (XI—XIX асрларда араб графикаси негизидаги ўзбекча ёзув материаллари асосида)» деган мавзуда кандидатлик диссертацияси ёқлаган.

Ҳ. Ғозиевнинг матбуотда 100 босма листга яқин илмий иши эълон қилинган. У ўндан ошиқ ёш илмий ходимга раҳбарлик қилган, уларни фан кандидати қилиб етиштирган.

Олим 1970 йил 12 декабрда вафот этган.

Асарлари:

1932

Коммунист болалар. III синф учун она тили ўқиш ва иш китоби (ҳаммуаллифликда), Тошкент.
Ёш коммунист. IV синф учун она тили ўқиш ва иш китоби (ҳаммуаллиф), Тошкент.

1937

Орфография ўқитиш методикаси. (Ҳаммуаллиф — Ф. Камолов), Тошкент.
Имло машқлари тўплами, I—II синфлар учун дарслик (ҳаммуаллиф — Ф. Камол), Тошкент.
Имло машқлари тўплами. III синфлар учун дарслик (ҳаммуаллиф — Ф. Камол), Тошкент.

1938

Грамматика ва орфография. I синф учун дарслик (ҳаммуаллиф — Ф. Камол), Тошкент.
Грамматика ва орфография. II синф учун дарслик (ҳаммуаллиф — Ф. Камол), Тошкент.
Ҳозирги замон ўзбек тили грамматикаси. Ўрта мактаблар учун дарслик (ҳаммуаллиф — Ф. Камол), Тошкент.

1939

Она тили программаси. Ўрта мактаблар учун, Тошкент. Адабий тилимиз ҳақида, Тошкент.

1940

Адабий тилимиз ҳақида. «Совет педагогикаси» журнали, 1-сон, Тошкент.

1941

Синтаксис. VI—VII синфлар учун дарслик, Тошкент. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилидаги эргашган қўшма гаплар состави ҳақида. Тошкент.
Ўзбек ёзувида бош ва кичик ҳарфларнинг қўлланиш ўринлари. Тошкент.

1957

«Турк-руник» ёзувларида тиниш белгилари. Тошкент.
Уйғур ёзувидаги бурунги текстларда ажратиш белгилари. Тошкент.

1958

Турк-руник ёзувидаги ажратиш белгилари ҳақида. «Тил ва адабиёт масалалари» журнали, 2-сон, Тошкент.
Выступление. Сб. «Материалы первой Всесоюзной научной конференции востоковедов в Ташкенте», Ташкент.
Ўзбек пунктуацияси тарихи (XI—XIX аср араб алфавити негизидаги ўзбекча ёзув материаллари асосида). «Ўзбек тили грамматикаси ва пунктуацияси масалалари», тўплам, Тошкент

1966

Гап бўлаклари. «Ҳозирги ўзбек адабий тили», тўплам, II, Тошкент.